

Давлат Бюджетини Шакллантиришда Эгри Солиқларнинг Ўрни

Абдулхаева Шахноза Мухаммадиевна¹

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини шакллантиришда эгри солиқларнинг роли ҳамда эгри солиқларга доир назарий ёндашувлар ёритилган. Эгри солиқлар тушумлари, ҳамда унга таъсир этучи омиллар таҳлил қилиниб, унинг давлат бюджети даромадларининг йиғилувчанлигини ошириш мақсадида хулоса ва таклифлар келтирилган.

Ключевые слова: давлат бюджети, солиқлар, солиқ тизими, тўғри солиқлар, эгри солиқлар, КҚС, акциз солиғи, солиқ назорати.

Кириш (Introduction)

Жаҳон амалиётида иқтисодиётни ривожлантириш учун солиқ тизимини такомиллаштириш мухим аҳамиятга эга. Эгри солиқлар бугунги кунда аксарият давлатлар сингари Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини шакллантираётган асосий солиқлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарали солиқ сиёсати, унинг иқтисодиёт тараққиёти равнақи учун мухим механизм эканлиги, шунингдек, солиқ сиёсатидаги шиддатли ислоҳотларнинг боришига, бу соҳага оид солиқ амалиётидаги тизимли ўзгаришларни реал баҳолашни белгилаб беради. Шу нуқтаи-назардан давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашда эгри солиқлар улушини ошириш масалаларини ўрганиш мухим ҳисобланади.

Давлат бюджети даромадлар қисмини таъминлашда эгри солиқларнинг салмоғи анча юқори бўлмоқда. Бу эса бюджет даромадларини мустаҳкамлайди, бюджетдан бўладиган ижтимоий зарурӣ харажатларни узлуксиз ўз вақтида мустаҳкам молиялаштириш имконини беради. Эгри солиқларнинг афзаллиги мухим фискал салоҳияти бўлиб, давлат бюджетини шакллантирувчи энг асосий солиқ туридир. Шунинг учун эгри солиқлар ундириш тизимини такомиллаштириш мухим аҳамиятга эга бўлиб, янги технологик ечимларни излаш, солиқнинг янги шаклларини ривожлантириш, яширин маълумотларни аниқлаш, солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича мажбуриятларни бажариш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш солиқ назорати самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш, солиқ маълумотлари алмашинуви жараёнларини стандартлаштириш, солиқ ундиришдаги таркибий ўзгаришлар илмий-тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

Эгри солиқларнинг тақсимланишида турли хил ёндашувлар мавжуд. Қуйида эгри солиқларнинг иқтисодиётдаги ва давлат бюджетини шакллантиришдаги ўрнига доир назарий қарашларни кўриб чиқамиз.

“Эгри солиқлар баҳога ёки тарифга устама сифатида белгиланадиган товарлар ва хизматлардан олинадиган солиқлардир”. Эгри солиқларга тортишда давлат товар ёки хизматларининг сотилиши пайтида ушбу қийматнинг бир қисмига ўз хукукларини даъво қилиш билан аслида янги қиймат тақсимланишининг иштирокчиси бўлиб қолади. Эгри солиқлар тўғри солиқлардан фарқли равишда тўловчининг даромади ёки мол-мулки билан бевосита боғлиқ бўлмайди[1].

¹ ТДИУ таянч докторанти ДТПИ ўқитувчisi



Немис иқтисодчиси фикрига кўра Алберт Схеффле "давлат шахснинг ўртача солиқ қобилиятига эга бўлганлари; жисмоний шахсдан ўтиб кетиш учун - тўловчининг ҳақиқий солиқ қобилиятини фақат солиқ солинадиган субъектларнинг ўзлари билиши мумкин, давлат барча фуқаролардан даромадларини жамғариш ва истеъмол қилиш актларида ўзлари кўрсатган даражада солиқ солади ва бу солиқлар билвосита ҳисобланади" [2].

Инглиз иқтисодчиси Уилям Петти фикрича "эгри солиқ у ёки бу маҳсулот ёки хизматни муентазам истеъмол қилган киши томонидан тўланади, шунинг учун, ҳеч кимга юкланмаган ва уни йиқитиш осон ". Тўғри ва эгри солиқларни таснифлашда Италия иқтисодчиси Ф. Нитти "мolia фанининг асосий принциплари" асарида шундай деб ёзган эди: "эгри солиқлар мулкнинг сифатига эмас, балки вазиятга, шахсий фактларга ва доимий ҳаракатларга таъсир қилишдир". Тўғри солиқларда давлат фуқароларнинг солиқ лаёқати тўғрисида бевосита асослар (эгалик, даромад) бўйича хулоса чиқаради; эгри солиқлар ҳаракатлар (истеъмол, алмашинув) билан белгиланади. Шунинг учун тўғри солиқлар тўғридан-тўғри солиқ манбаи бўлиб хизмат қилади; эгри, асосан маълум муносабатлар, истеъмол ёки муомалага таъсир қилиши мумкин "[3].

Б.Х. Алиевнинг фикрича, билвосита солиқлар ижтимоий маҳсулот таннархини тақсимлашдан олдин ташкилот даражасида тўланади. Билвосита солиқ обьекти товарлар, хизматларнинг нархи олдинроқ шаклланганлиги билан боғлиқ. Дастреб билвосита солиқ суммалари ташкилотларнинг банклардаги ҳисобваракларига тушсада, улар даромадлари ҳисобланмайди ва товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушган тушумлар тақсимлангунга кадар бюджетга тўланиши керак. Шундай қилиб, билвосита солиқлар ижтимоий маҳсулотнинг "хўжалик субъектидан ташқарида", жамият даражасида қиймат тақсимотида иштирок этади[4].

Г.Д. Черник эгри солиқларнинг яширин хусусиятини ижобий жиҳат сифатида таърифлаб, "ҳаражатларга солинадиган солиқлар доимий ва сезилмасдан ундурилганлиги сабабли энг кам малол келтиради" деб таъкидлайди[5].

Мамлакатимизнинг етакчи иқтисодчи олимлари А.Ҳ. Тошқулов, С.К. Худойқулов фикрларига кўра "билвосита солиқлар, кўпинча, икки қадам билан юради, биринчисини материал сотиб олевчига қўйса, иккинчисини маҳсулот сотиб олевчига қўяди, аммо солиқ юкини учунчи шахс – ўртада турувчи ишлаб чиқаришни амалга оширувчи корхона зиммасига юклайди" [6].

Демак, билвосита солиқлар юки материал сотиб олевчига ва маҳсулот сотиб олевчига эмас, балки ишлаб чиқаришни амалга оширувчи корхона зиммасига бўлади.

Яҳёев.Қ. "билвосита солиқлар товар (иш, хизмат) қиймати устама равища қўйилади" дея эътироф этишган. [6]. Билвосита солиқларга товарни сотиш нархидан тўланадиган ёки тарифга киритилган товар ва хизматларга солинадиган солиқлар киради, яъни билвосита солиқларнинг пировард тўловчиси бўлиб, товар истеъмолчиси майдонга чиқади, унинг зиммасига солиқ нархда кўзда тутилган устамалар орқали юкланди.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Ҳар қайси олинган илмий тадқиқот ишининг муҳим босқичларидан бири бу тадқиқот методологияси саналади. Мазкур мақолада ҳам илмий тадқиқотнинг умумий ва алоҳида олинган тадқиқот методларидан фойдаланилди. Давлат бюджети шаклланишининг илмий-назарий таҳлил қилиниб, муаммога оид илмий тадқиқотчилар ва мутахассисларнинг илмий-назарий қарашлари ўрганилди. Расмий ва амалий материалларга асосланган ҳолда синтез ва таҳлил усулларга асосланиб илмий хулосалар олинди, эгри солиқларнинг тушумларига таъсир этадаган омиллар ўрганилиб, мантиқий ва таққослама, абстракт-мантиқий фикрлаш ҳамда статистик усулларни қўллаш орқали таҳилларга асосланган ҳолда илмий-амалий таклифлар шакллантирилди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)


Эгри солиқлар бугунги кунда аксарият давлатлар сингари, Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат бюджетини шакллантиришдаги энг истиқболли солиқлардан бири бўлиб, солиқ



тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Эгри солиқлар давлатга учун жозибадордир, чунки уларнинг хазинага тушадиган тушумлари солиқ тўловчиларнинг молиявий фаолияти билан бевосита боғлик эмас ва юқори фискал самарага эга. Маълумки Ўзбекистон бозорида сотища муҳим улуш импорт қилинадиган маҳсулотлардан иборат, шунинг учун ҳам олинадиган солик тушумларининг юқори улуши айнан билвосита солиқлар ҳисобидан шаклланади. Тўғри солиқка тортилмаган, қайд этилмаган даромадлар эгри солиқларга тортилади. Шундай қилиб, эгри солиқлар шу кунгача бюджет даромадларининг энг юқори қисмини ташкил этадиган солиқ тури ҳисобланиб, бюджет тизимининг барқарор ва битмас-туганмас шакллантирувчи манбайдир.

Билвосита солиқ - бу ишлаб чиқарувчилар маҳсулот ёки хизматлар таннархига киритилган маблағларни давлатга мажбурий ўтказишdir. Оддий қилиб айтганда, уни корхонанинг ўзи эмас, балки истеъмолчи тўлайди. Ташкилотнинг вазифаси факат керакли миқдорни йиғиш ва уни ғазнага ўтказишdir[8].

Эгри солиқлар тушумларига таъсир этувчи омилларни қуйидаги расмдан кўришимиз мумкин (1-расм):



Юқоридаги 1-расмдан кўришимиз мумкини, эгри солиқ тушумларига бир қатор омиллар, жумладан маъмурий, иктисолий ва ижтимоий омиллар твъсир қўрсатади. Эгри солиқ тушумларига таъсир этувчи маъмурий омилларга асосан солиқ механизмининг қонунчилик базасини шаклланиши, эгри солиқка тортиш механизми ва солиқ маъмурчилигининг такомиллаштиришга боғлиқдир.

Иктисолий омилларга иктисолиёт тармоқларининг ривожланиши, шунингдек солиқ истоҳатлари, жумладан солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари ва солиққа тортиладиган товар нархлари каби омиллар таъсир этади.

Ижтимоий омилларга эгри солиққа тортиладиган товарлар (хизматлар) кўлами, даромадлилик даражаси ва ишсизлик даражаси, шунингдек солиқ тўловчилар сони ҳам таъсир қўрсатади.

Қуйидаги 1-жадвалда билвосита солиқ турлари бўйича 2018-2024 йиллар мобайнида солиқ тўловчилар сонини тахлил қилишимиз мумкин.




1-жадвал Республика бўйича 2018-2024 йилларда билвосита солиқ турлари бўйича тўловчилар сони (нафар)².

Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Республикада жами билвосита солиқ туловчилар сони	39043	88149	119329	148130	14990	169039	188088
шу жумладан							
КҚС тўловчилари сони	38 745	84 479	115 572	143 701	145410	164449	183488
Акциз солиги тўловчилари сони	298	3 670	3 757	4 429	4580	4590	4600

1-жадвал таҳлил натижалари шуни кўрсатади, республикада жами билвосита солиқ тўловчилар сони 2018 йилга нисбатан 2024 йилда солиқ тўловчилар сони қарийб 4,5 баравар ошган. Билвосита солиқ тўловчиларнинг аксарият қисми қўшилган қиймат солиги тўловчиларини ташкил этиб, 2018 йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиги тўловчилари сони кескин ошган. Бундай ўзгаришга сабаб 2017 йил 18 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуритчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йигилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”³ги ПФ-5116 сонли фармони биноан солиқ маъмурчилиги тизимида энг илфор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш устувор вазифа этиб белгилангандигидир.

Қуйидаги 1-расмда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг йирик солиқ тўловчиларининг улуши келтирилган.

ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАГИ УЛУШИ, 2023 ЙИЛГИ ИЖРОСИ*, %



Манба: Иқтисодиёт ва молия вазирлиги⁴

² Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

³ <https://lex.uz/docs/3271159>

⁴ aryo.uz/k/2024/05/30/ozbekistonliklar-2023-yilda-davlat-byudjetiga-qancha-soliq-tolagani-malum-boldi



Қўшилган қиймат солиғи тўловчи юридик шахслар сони 2023 йилда 164,4 мингтани ташкил этиб сезиларли 11,6 фоизга, жами 183,5 мингта кўпайган. Фикримизча бундай ижобий ўзгаришларининг сабабларидан бири ҚҚС ундириш механизмини рақамлаштириш борасида улкан ишлар олиб борилганлиги, шунингдек ҚҚС бўйича ягона автоматлаштирилган тизими ҚҚС тўловчилари реестри шакллантирилганлигидир. Шунингдек, ҚҚС манфий тафовут сўммалари “my.soliq.uz” портали орқали қопланади. ҚҚС тўловчиларининг 93 фоизи электрон ҳужжат айланиш тизимидан фойдаланиши хам ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Маълумки дунёning деярли барча мамлакатлари сингари Ўзбекистон Республикасида хам солиқ тизимида эгри солиқлар бюджет даромадларини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Ушбу жараённи қўйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал Эгри солиқлар тушумларининг 2017-2023 йиллар динамикаси таҳлили (млрд. сўм)⁵.

Кўрсатки члар	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2022 нисбат анфарқ	%
Республика бўйича жами	3775 0,9	54202 ,8	83323 ,9	103561 ,7	127970 ,4	201863 ,7	2985 6,9	29856, 9	114, 8
шу жумладан :									
солиқ тушумлари	33 885,8	49 941,8	80 229,5	97 979,1	120 162,5	71390, 2	8332 5,8	11935, 6	116, 7
ҚҚС	8 634,1	13 734,8	23 660,7	20 485,6	25 572,1	52189, 4	5788 5,3	5695,9	110, 9
Акциз солиғи	6 138,4	6 547,3	11 603,0	10 838,8	12 778,9	13455, 0	1583 4,4	2379,3	117, 7
Божхона божи	1 784,6	1 543,9	2 105,1	2 086,4	4 819,0	5745,7	9606, 1	3860,4	167, 2

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017 йилга нисбатан 2023 йилга эгри солиқ тушумлари қарийб 3 бараварга ошган. 2023 йилда билвосита солиқ тушумлари 83,32 триллион сўмга этиб, шундан қўшилган қиймат солиғининг улуши 57,9 триллион сўм, акциз солиғи 15,8 триллион сўмни ташкил этади. 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 11935,6 фарқ мавжуд.

Вазирлик таҳлилига кўра, ўтган йили қўшилган қиймат солиғидан манфий фарқни қоплаш учун солиқ тўловчиларга 21,6 триллион сўм миқдорида ҚҚС ва кешбэк сўммалари қайтариб берилган. “Энергоресурс қазиб чиқариш, қайта ишлаш ҳажмининг камайиши, дунё бозорида пахта толаси, дон ва кимёвий ўғитлар нархи пасайиши ҳамда йил бошида кузатилган аномал совуқ шароитида корхоналар харажатининг ошиши ва корхоналар фаолиятининг вақтинча тўхтатилганлиги солиқ тушумлари йўқотилишига олиб келди. Шу билан бирга, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва тадбиркорлик субъектлари томонидан якуний

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



истеъмолчиларга сотиладиган АИ-80 русумли автобензин маҳсулоти учун акциз солиғининг “нол” ставкаси белгиланиши ҳисобига 2023 йилда тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида 1,3 триллион сўм қолдирилди”, — деб ҳолатни изоҳлаган Иқтисодиёт ва молия вазирлиги.⁶

З-жадвал ҚҚС гувоҳномаси вақтинча тўхтатилган корхоналар тўғрисида МАЪЛУМОТ⁷

\P	Худуд номи	Рўйхатдан ўтган ҚҚС тўловчилар сони	Жами ҚҚС гувоҳномаси тўхтатилганлар 21.02.2022	шундан, фаолият кўрсатаётган	
				корхона сони	%
x	Республика бўйича	150 345	45 994	37 872	82
1	Қорақалпоғистон Р.	8 077	3 276	2 397	73
2	Андижон вилояти	10 318	3 903	3 116	80
3	Бухоро вилояти	10 688	2 567	1 986	77
4	Жиззах вилояти	6 520	3 066	2 379	78
5	Қашқадарё вилояти	14 250	5 832	5 076	87
6	Навоий вилояти	5 176	1 188	1 000	84
7	Наманган вилояти	8 477	2 216	1 806	81
8	Самарқанд вилояти	11 137	2 731	2 476	91
9	Сурхондарё вилояти	8 116	3 680	2 836	77
10	Сирдарё вилояти	4 985	1 820	1 612	89
11	Тошкент вилояти	12 451	3 277	2 948	90
12	Фарғона вилояти	11 349	3 676	3 072	84
13	Хоразм вилояти	6 837	1 503	1 162	77
14	Тошкент шаҳри	30 917	7 054	5 837	83
15	ЙСТБҲ ДСИ	1 047	205	169	82

Республика бўйича 21.02.2022 йил ҳолатига рўйхатдан ўтган ҚҚС тўловчилар сони 150345 та бўлиб, 45994 тасининг ҚҚС гувоҳномаси тўхтатилган. Шундан 37872 корхона фаолият кўрсатиб, 82 фоизни ташкил этади. Қорақалпоғистон Республикасида рўйхатдан ўтган ҚҚС тўловчилар сони 8077 та бўлиб, 3376 тасининг ҚҚС гувоҳномаси тўхтатилган, 37872 ҚҚС тўловчи фаолият кўрсатиб, 82 фоизни ташкил этади. Энг кўп ҚҚС гувоҳномаси тўхтатилган ҳудудлар, жумладан Тошкент шаҳрида 30917 тадан 7054 та, Қашқадарё вилоятида 14259 тадан 5832 та, Фарғона вилоятида 11349 тадан 3676 та, Тошкент вилоятида 12451 тадан 3277 та, Сурхондарё вилоятида 8116 тадан 3680 та, Жиззах вилоятида 6250 тадан 3066 та корхонвни ҚҚС гувоҳномаси тўхтатилган. Шундан Тошкент шаҳрида 83%, Қашқадарё вилоятида 87%, Фарғона вилоятида 84%, Тошкент вилоятида 90%, Сурхондарё вилоятида 77%, Жиззах вилоятида 78% корхона фаолият кўрсатмоқда.

Бюджетга даромадлар тушумининг ошиши ёки камайишига республика иқтисодиётининг ўсиши, сўмнинг эркин айирбошлиш курсини жорий қилиш, қимматбаҳо ва рангли металларга жаҳон нархларининг нисбатан юқорилиги, пандемия вақтида карантин чораларининг жорий этилиши ва енгиллаштирилиши, солик ислоҳоти, солик маъмуриятчилигининг янги инструментларини жорий этиш каби омиллар таъсир кўрсатди[9].

⁶ <https://daryo.uz/k/2024/05/30/ozbekistonliklar-2023-yilda-davlat-byudjetiga-qancha-soliq-tolagani-malum-boldi>

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат солик қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Хулоса қилиб айтганда, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда эгри солиқлар алохиди аҳамиятга эга. Хусусан Давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашда ҚҚС, акциз солиғи ва бошқа тўловларни ўз вақтида ундиришни таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хозирги вақтда эгри солиқлар республикамиз иқтисодиёти ривожлантириш давлат бюджетини шакллантириш учун катта аҳамиятга эга. Эгри солиқлар давлат бюджетини даромадлар манбаини оширишнинг барқарор базаси бўлиб, уларни ўз вақтиди ундирилиши ва бюджетга келиб тушишини таъминлаш лозим.

Давлат бюджети даромадларини ошириш мақсадида эгри солиқларни такомиллаштириш билан боғлиқ қуидаги бир қатор таклифларни амалиётга қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Давлат бюджети даромадларини ошириш учун эгри солиқлар, жумладан ҚҚС, акциз солиғи, божхона божлари ва бошқа тўловларни белгиланган муддатларди тўлиқ солиқка тортиш давлат бюджетига вақтида келиб тушиши таъминлаш назоратни кучайтириш лозим.
2. Солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш мақсадида муддатларида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар учун жарима миқдорини ошириш лозим.
3. Инсоғиз солиқ тўловчиларнинг солиқ солинадиган базани камайтириб кўрсатиши ва асоссиз солиқ чегирмаларидан фойдаланиши солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларини бажармасликка олиб келади. Солиқ назоратида инновацион ёндашувлар ва илғор ракамли технологиялардан фойдаланиш солиқ тўловчилар томонидан солиқдан бўйин товлашни, яширин иқтисодиёт ҳажмини камайтириш, эгри солиқларнинг фискал салоҳиятини мустаҳкамлашга ёрдам беради.
4. Рақамли технологияларни янада ривожлантириш ҚҚС тўловчилари ва солиқ хизмати ўтрасидаги мавжуд ўзаро хамкорликни такомиллаштириш анъанавий ҚҚСдан уни рақамлаштириш лозим.
5. Эгри солиқларни ҳисоблаш ва уни тўловини амалга ошириш бўйича интерактив ёндашувдан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқдир. Бу солиқ маъмурияти солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши устидан солиқ назоратининг юқори натижавийлиги, холислиги ва ҳаққонийлиги, ҳуқукузарликларни олдини олишни таъминлайди. Натижада Ўзбекистон Республикаси бюджетига солиқлар тушумларини кўпайишига, ҳамда солиқ тизимини такомиллашувига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони
2. “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукumatнинг ривожланиш ҳолатини рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 15.06.2021 йилдаги 373-сон
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида28.12.2023 йилдаги ЎРҚ-891-сон Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири)
4. С.К.Худойқулов. Солиқ тизими. Ўқув қўлланма. Тошкент – «Илм Зиё»2012 йил-27 бет
5. Иловайский С. И. Косвенное налогообложение в теории и практике. – Пенза: РИО ПГСХА, 2010. – с 10.



6. Шовапский С.И. Косвенное обложение в теории и практике Одессы. 1892. с. 16.
7. Ю.Н.Шестакова, Н.Н. Тюпакова // Политехнический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. – 2013. – № 92(08). – Режим доступа: <http://ej.kubagro.ru/2013/08/89>.
8. Черник Д. Г. Налоги: учеб. – М.: Финансы и статистика, 2009, с. 153. Вахобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиққа тортиш Дарслик /Ҳаммуал.: – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009 у. -400 бет.
9. А.Х.Тошқулов, С.К.Худойқулов. Солиқ назарияси. Дарслик. Тошкент 2021 йил-290 бет
10. Яҳёев.Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Тошкент.: Faфур Ғулом, 200. -32-33-б,
11. Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. Монография. Тошкент.: Янги аср авлоди, -2002. -56- б.
12. https://www.norma.uz/raznoe/soliq_tizimi_muammolar_va_istiqbolla1
13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва www.stat.uz сайти

